

**“Тасдиқлайман”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий аттестация комиссияси**  
**раиси**  
**А.Т. Юсупов**  
**30 декабрь 2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан  
кўрсатиладиган «Катта илмий ходим илмий унвонини бериш» давлат  
хизмати Регламенти**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (Ўзбекистон Республикаси ОАК) «Профессор илмий унвонини бериш» давлат хизмати Регламенти (кейинги ўринларда регламент деб юритилади), олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари кенгашлари (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) томонидан тақдим этилган аттестация иши «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 3 июнда 2793-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ расмийлаштириш ва уларнинг экспертизасини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ОАКга Кенгаш томонидан тақдим этилган аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»и талаблари асосида кўриб чиқилади.

3. Аттестация иши ОАК томонидан 3 ой ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш муддатини ҳисоблашда июль-август ойлари ҳисобга олинмайди.

4. Кенгаш томонидан «Илмий унвонлар комплекс-таҳлилий ахборот тизими» орқали тақдим этилган аттестация иши ОАКда рўйхатга олинади ва етти кун ичида меъёрий-техник экспертизадан, унинг натижаси ижобий бўлган тақдирда, илмий экспертизадан ўтказилиб, якуний қарор қабул қилинади. Экспертиза жараёнида ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши томонидан аттестация ишининг Низом талабларига мувофиқлиги илмий экспертизадан ўтказилади.

5. Меъёрий-техник экспертизадан ўтказиш жараёнида аттестация ишида мазкур Низом талабларига риоя қилинмаганлик ҳолатлари аниқланса, ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан аттестация ишини кўриб чиқиш тўхтатилади ва аттестация иши расмий хат билан тегишли Кенгашга қайтариб юборилади. Кенгаш томонидан тегишли камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, аттестация ишини қайтадан расмийлаштирилиб, кузатув хати орқали ОАКга қайта тақдим этилади.

6. Аттестация иши меъёрий-техник экспертизадан ўтказилганидан кейин уни ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши кўриб чиқади. ОАК Раёсати ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши хулосасига асосан, илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисида якуний қарор қабул қилади.

7. Талабгор аттестация ишини куриб чиқиш жараёнининг ҳар қандай

босқичида, Кенгашда яширин овоз бериш ўтказилгунга, ОАКда ОАК Раёсатининг якуний қарори қабул қилингунга қадар ишни муҳокамадан олишга ҳақлидир. Аттестация иши талабгорнинг ёзма аризасига асосан, ОАКда муҳокамадан олинганида, бу ҳақда ОАК Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

8. ОАКда кўриб чиқилган ва илмий унвон бериш рад қилинган ёки кўриш жараёни тўхтатилган аттестация иши Кенгаш томонидан қуйидаги муддатларда ОАКга қайта тақдим этилиши мумкин:

ОАК Раёсатининг илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач;

ОАК Раёсатининг қарори юзасидан берилган апелляция бўйича рад жавобини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида уч йил ўтгач;

талабгорнинг аризасига асосан муҳокамадан олиниб, кўришдан тўхтатилган аттестация иши бўйича тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг.

9. Кенгаш томонидан илмий унвонга қайта тақдим этилганда мазкур Низом талаблари бажарилган ҳамда талабгор янги ўқув-услубий/илмий ишлар нашр эттирган бўлиши шарт.

10. ОАК Раёсатининг катта илмий ходим илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва 1 ой муддатда аттестат расмийлаштирилади.

11. Аттестат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ, ОАК томонидан унинг дубликати берилади.

Илмий унвон берилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг талаби асосида аттестат янгисига алмаштириб берилади.

12. Манфаатдор шахслар илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисидаги ОАК Раёсати ёки Кенгаш қарори юзасидан у қабул қилинган кундан эътиборан 2 ой ичйда ОАКга апелляция беришлари мумкин. Апелляция Ўзбекистан Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади.

13. Апелляция бўйича қабул қилинган ОАК Раёсатининг якуний қарори 5 иш кун ичида апелляция берган шахсларга, шунингдек Кенгашга тақдим қилинади.

14. Ушбу давлат хизмати бепул (аттестат бланкаси ва муқоваси учун тўлов белгиланган) ва хизмат натижасида олинган ҳужжат муддатининг амал қилиш муддати чексиз ҳисобланади.